

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

— 2-2020 —

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Ш.Норов	
Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати қонунчилигининг тарихий шаклланиши.....	79
К.Тошов	
Иккинчи жаҳон уруши йилларида сурхон воҳаси меҳнаткашларининг фронт ортидаги фаолияти	84
Г.Эгамбердиева	
Ўзбекистонда туризм соҳасини ислоҳ қилиш бошқичлари (XX асрнинг иккинчи ярми – XXI асрнинг биринчи чораги)	89
И.Ғуломов	
1926 йили Ўзбекистон ССР аҳолисини рўйхатга олиш тадбирининг яқунлари айрим рақамларда	94

АДАБИЁТШУНОСЛИК

О.Туйчиева	
«Жавоҳир ул-ажойиб» аёлларга аталган илк тазкира сифатида	99
З.Яхшиева	
Тетралогияда тарихий ҳақиқат ва пафоснинг уйғунлиги.....	103
Ф.Икромхонова	
АҚШ адабиётида тарихий асарнинг шаклланиши	107
О.Дадажонов	
Жадид драмасида таълим-тарбия масаласи ва қаҳрамон талқини	111

ТИЛШУНОСЛИК

С.Хашимова	
Хитой тилида редупликатив феълларнинг маъноси ва қўлланилиш хусусиятлари.....	114
О.Бегимов	
Жанубий Ўзбекистон орообъектларининг номланишида диний тушунча ва тасаввурларнинг мотивланиши.....	119
З.Акбарова	
Олам лисоний манзарасига доир қарашлар таҳлили	124
Г.Ҳакимова	
Инглиз ва ўзбек тилларидаги зоонимик компонентли фразеологик бирликларнинг семантик таҳлили ва уларнинг миллий-маданий хусусиятлари	129
У.Раҳмонов	
Инглиз тилида ҳақоратни ифодаловчи эмоционал сўзлар таҳлили.....	133
А.Уралов	
Морфемалар тизимида аффиксоидлар масаласи	138

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Л.Аҳмедова	
Олий таълим жараёнида инглиз тилини ўқитишда ўйин методлари: назария ва амалиёт	143
С.Сидиков, Г.Сидикова, А.Қосимов	
Кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг моторли хусусиятларини ривожлантиришда акцентланган дарсларининг самарадорлиги	150

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Г.Тиллабаева	
Юкланган Бернулли тенгламаси учун интеграл шартли масала.....	155
О.Ахмаджонова	
Бессел-Клиффорд функцияларининг баъзи умумлашмалари ва уларнинг хоссалари	160
К.Ражапов, И.Хомидов	
Муаммоли геометрик масалаларни алгебраик тенгламалардан фойдаланиб ечиш	163

УДК: 42/48+001.572+576.2

ХИТОЙ ТИЛИДА РЕДУПЛИКАТИВ ФЕЪЛЛАРНИНГ МАЪНОСИ ВА ҚЎЛЛАНИЛИШ
ХУСУСИЯТЛАРИЗНАЧЕНИЕ И ОСОБЕННОСТИ УПОТРЕБЛЕНИЯ РЕДУПЛИКАЦИОННЫХ ГЛАГОЛОВ
В КИТАЙСКОМ ЯЗЫКЕTHE MEANING AND FEATURES OF THE USE OF REDUPLICATION VERBS IN THE
CHINESE LANGUAGE

С.Хашимова

Аннотация

Мақолада хитой тилида редупликатив сўзларнинг ҳосил бўлиши, маъноси ва қўлланилиш хусусиятлари кўриб чиқилган.

Аннотация

В данной статье рассмотрены особенности образования, значение и употребление редупликационных глаголов в китайском языке.

Annotation

This article is devoted to the study of the formation, meaning and use of reduplication verbs in Chinese.

Таянч сўз ва иборалар: морфема, редупликация, модель, синоним, компонент, оҳанг, частота, сўз ясалиши.

Ключевые слова и выражения: морфема, редупликация, модель, синоним, компонент, тональность, частота, словообразование.

Keywords and expressions: morpheme, reduplication, model, synonym, component, tonality, frequency, derivation.

Хитой тилида феъл такрорланиб келиши мумкин: редупликатив феъл аниқ бир маънони билдиради. Хитой тилида бир бўғинли феъллар асосан редупликациянинг ‘АА’ моделида такрорланади. Бир бўғинли феъл такрорланиб келганда, унинг иккинчи (яъни иккиланиб келадиган) компоненти энгил оҳангда ўқилади. Масалан, 看 kàn “қарамоқ” - 看看 kànkàn “қараб кўрмоқ”, 听 tīng “эшитмоқ” - 听听 tīngtīng “эшитиб кўрмоқ”, 想 xiǎng “ўйламоқ” - 想想 xiǎngxiǎng “ўйлаб кўрмоқ”. Агар феъл учинчи оҳангга эга бўлса, унда у такрорланиб келганда унинг биринчи бўғини, одатда, иккинчи оҳангга айланади. Масалан: 讲 jiǎng “гапирмоқ” - 讲讲 jiǎng·jiǎng “гапириб бермоқ” [1,10].

Бир бўғинли феълларнинг редупликатив шаклида кўп ҳолларда уларнинг компонентлари орасида, ҳаракатнинг қисқа муддат ичида рўй бераётганини кўрсатувчи 一 yī морфемаси қўлланилади. Масалан, 看一看 kàn yī kàn “қараб кўрмоқ”, 想一想 xiǎng yī xiǎng “ўйлаб кўрмоқ”, 听一听 tīng yī tīng “тинглаб кўрмоқ”. Феълнинг ушбу редупликатив модели ‘А – А’ кўринишига эга ва ‘АА’ редупликатив моделнинг синоними ҳисобланади. Ушбу модель сўзнинг янги формасини ҳосил қилиш учун хизмат қилади.

你可以用一用这支圆珠笔

Ni keyi yong yi yong zhe zhi yuanzhubi

“Сен бу ручкани ишлатиб кўришинг мумкин”;

你听一听, 他说得对不对?

Ni tīng yi tīng, ta shuo de dui bu dui?

“Эшитиб кўринг-чи, унинг сўзлаётган гапи тўғрими?”

Хитой тилида деярли барча бир бўғинли феъллар редупликациянинг ‘АА’ ва ‘А – А’ модели асосидаги кўринишга эга. Редупликатив феъллар ҳаракатнинг ўтган замонда содир бўлганлигини ифодаловчи 了 le суффикси билан бирга қўлланилганда, 了 le суффикси редупликатив феълнинг биринчи компонентидан сўнг қўйилади, яъни ‘А 了 А’: 看了看 kàn le kàn “қараб кўрмоқ”. Феълнинг биринчи компонентидан кейин феълларга хос суффиксларнинг қўйилиши феъл ва ҳисоб сўзининг биргаликда қўлланилиши билан боғлиқ.

Ўрта аср хитой тилида редупликатив феълнинг иккинчи компонентидан олдин сон сўз туркумига оид сўзлар қўлланилган, масалан:

丽小姐点了点头, 笑了笑与说 ...[2,71]

С.Хашимова – ТДШИ, хитой тили ва адабиёти кафедраси, филология фанлари номзоди, доцент.

ТИЛШУНОСЛИК

Li xiaojie dian le ji dian tou, xiao le xiao yu shuo...

“Ли хоним бошини бир неча марта эгиб кулди-да, деди...”.

Ҳозирги замон ёзувчилари феъл такрорида бугунги кунда ҳам сонлардан фойдаланадилар. Ли Гао “现代汉语动词研究” *Xiandai hanyu dongci yanjiu* (“Ҳозирги хитой тилида феъллар таҳлили”) китобида “феъллар такрорида феълнинг ‘一’ *yi* сони билан бирга қўлланилиши ҳаракатнинг бир марталигини ифодалайди” [3,56], деб ёзади. Бироқ ҳозирги хитой тилида ‘一’ *yi* сонининг феъллар такрорида қўлланилиши ҳаракатнинг бир мартаба содир бўлганлигини билдирмай, балки унинг қисқалигини ифодалаб келади. Масалан, 看一看 *kan yi kan* Ўрта аср хитой тилида “бир марта қараб кўрмоқ (қараб кўймоқ)”ликни, 摸一摸 *mo yi mo* “бир марта силаб кўрмоқлик”ни билдирган бўлса, ҳозирги хитой тилида “қараб кўрмоқ”, “силаб кўрмоқ”, яъни ҳаракатнинг оҳиста кўринишга эга эканлигини билдиради.

Бир бўғинли феъл йўналишни билдирувчи қўшимча сўзлар (мазкур моделдаги 来 *lai* сўзининг маъноси “келмоқ”, 去 *qu* сўзининг маъноси “бормоқ”) билан бирга қўлланилган ҳолда такрорлана олади. Феълнинг ушбу кўриниши ‘А 来 А 去’ (*Alai Aqu*) редупликатив моделга эга бўлиб, бунда мазкур модель бўйича ҳосил бўлган бирлик хатти-ҳаракатни такрорланган ҳолда, бирмунча узоқ муддат ичида содир бўлаётганлигини билдиради.

在书店里, 我来看去, 只卖了这么一本书

Zai shudian li, wo kanlai kanqu, zhi mai le zheme yi ben shu

“Китоб магазинида айланиб юриб фақат шу китобни сотиб олдим”;

我想来想去, 终于想好了一个好办法 [3,58]

Wo xianglai xiangqu, zhongyu xiang hao le yige hao banfa

“Мен ўйлаб-ўйлаб яхши усул топдим”.

Мазкур моделдаги сўз ўзбек тилига таржима қилинаётганида хитой тилидаги 来 *lai* кўп ҳолларда ўзбек тилидаги -дан аффиксига, 去 *qu* сўзи эса -га аффиксига тўғри келади:

在公园里我看见蝴蝶在花中飞来飞去, 孩子们在旁边跑来跑去 [4,166]

Zai gongyuan li wo kanjian hudie zai hua zhong feilai feiqu, haizimen zai pangbian paolai paogu

“Боғда капалакларнинг гулдан-гулга учиб қўнганини, болаларнинг эса у ёқдан-бу ёққа югуриб юрганини кўрдим” ;

他焦急地在房间里走来走去, 不知道怎么办才好

Ta jiaoji de zai fangjian li zoulai zouqu, bu zhidao zenmeban cai hao

“У хавотирланиб “қандоқ қилсам яхшироқ бўлади” деб ўйлаб, хонада ёқдан-бу ёққа ҳадеб юраверди”.

Феълдан кейин 过来 *guolai* ёки 过去 *guoqu* ҳам қўйилиши мумкин, яъни ‘А 过来 А 过去’, масалан:

夜已经很深了, 还有人在我窗前走过来走过去, 害得我睡不着觉 [5,167]

Ye yijing han shen le, hai you ren zai wode chuanqian zouguolai zouguoqu, haide wo shui bu zhao jue

“Ярим кечада деразамнинг тагида бир одам у ёқдан-бу ёққа юраверди, юраверди, мен кўрққанимдан ухлай олмадим”;

这件事他说过来说过去不知说了多少遍了.

Zhe jian shi ta shuoquolai shuoquoqu bu zhi shuo le duoshao bianle

“Бу масала ҳақида у гапираверди, гапираверди, неча марта қайтарганини ҳам билмайман”.

请您好好的想想, 然后给我答案

Qing nin hao hao de xiangxiang, ranhou gei wo daan

“Илтимос, яхшироқ ўйлаб кўринг-да, сўнгра жавобини менга айтинг”.

Бизнинг фикримизча, феълларнинг ‘А 来 А 去’ редупликатив модели ҳаракатнинг кучайишини, узоқ муддат ичида содир бўлганлигини билдириши мумкин:

她想来想去想不到结论

Ta xianglai xiangqu xiang bu dao jielun

“У ўйлаб-ўйлаб бир тўхтамга кела олмади”.

Икки бўғинли феъл такрорланиб келганда, унинг ҳар бир компоненти такрорланиши керак, яъни АВАВ кўринишда (А, В – феълнинг иккита бўғини бўлади). Бунда биринчи бўғин ўз оҳангига эга ва унга урғу бериб ўқилади, учинчи бўғин ҳам ўз оҳангига эга бўлади, иккинчи ва тўртинчи бўғинлар энгил оҳангда ўқилади [4,101]. Масалан, 讨论 *taolun* “муҳокама”, “муҳокама қилмоқ” сўзи – 讨论讨论 *taolun taolun* “муҳокама қилиб кўрмоқ”, 研究 *yanjiu* “текширув”, “текширмоқ” - 研究研究 *yanjiu yanjiu* “текшириб кўрмоқ”.

Редупликатив феъл хатти-ҳаракатнинг қайтарилганлак даражасини, интенсивлигини билдиради. Хитой тилида бир бўғинли феълларнинг деярли барчаси такрорлана олади. Лекин икки бўғинли феълларнинг катта қисми бу хусусиятга эга эмас.

Редупликатив феъл миқдор маъно-моҳиятини билдиради, яъни иш-ҳаракат вақти қисқа ёки ҳаракат қисқа муддатлилигини ифодалайди. Лекин янада синчиклаб кузатилса, бундай феълларнинг маъно-моҳияти жуда мураккаб кўринишларга эга эканлиги аён бўлади: уларнинг айримлари ҳаракат жараёнини тавсифлайди, айримлари модал маъноларни ифодалайди ва ҳоказо. Қуйида баъзи жиҳатларни кўриб чиқамиз:

1) қисқа муддат ичида содир бўладиган ҳаракатни билдиради; бунда такрорланиб келадиган феъл орасига, одатда, 了 *le* қўшимчаси қўйилади [4,102]:

小宁伸了伸舌头, 不觉 摸了一下脑袋, 有嘻嘻笑了起来

Xiao Ning shen le shen shetou, bu jue mo le yixia naodai, you xixi xiao le qi lai

“Сияо Нинг тилини чиқариб, беихтиёр қўлини бошига тегизиб яна кулиб юборди”;

欧艳海看了看停在旁边的火车, 又看了看从火车下来的人, 微笑了一下, 就关上眼睛 [4, 102]

Ou Yanhai kan le kan ting zai pangbian de huochē, you kan le cong huochē shang xi lai de ren, wei xiao le yixia, jiu guan shang yanjing

“Оу Янхай ёнида тўхтаган поездга чиқиб-тушаётган одамларни кузатиб, сал кулимсиради ва кўзларини юмиб олди”;

2) ҳали содир бўлмаган ёки тугалланмаган ҳаракатни ифодалайди [4,102]. Бунда икки хил усулдан фойдаланиш мумкин:

а) маъно жиҳатидан уриниб кўриш ҳаракатини билдиради; редупликатив феълдан кейин интилиш, уриниб кўриш маъносини кўрсатувчи 看 *kan* ёрдамчи сўзи қўлланилиши мумкин:

你去找小吴想想办法 (看) [6,164]

Ni qu zhao Xiaowu xiang xiang banfa (kan)

“Сен Сияо Уни топиб, бирон-бир иложини ўйлаб кўр”;

这个道题他算不上来, 我算算 (看) [6,165]

Zhe ge daoti ta suan bu shang lai, wo suan suan (kan)

“Бу масалани у еча олмади, мен ечиб кўрай-чи (қараб кўрай-чи)”;

叫他生生孩子 (看), 她就知道做母亲的辛苦了 [6,164]

Jiao ta sheng sheng haizi (kan), ta jiu zhidao zuo muqin de xinku le

“У аввал бола туғиб кўрсин, шундагина она бўлиш ғам-ташвишларини билиб олади”;

б) маъно жиҳатидан интилиш, уриниш ҳаракатини билдирмайди; бунда феъл, одатда, ҳаракат давом этиши мумкинлигини кўрсатади:

你看看, 这样写对不对? [4,102]

Ni kan kan, zhe yang xie dui bu dui?

“Сен қараб кўр-чи, шундоқ ёзса тўғри бўлармикан?”;

我的笔不见了, 你帮我找找 [6,165]

Wo de bi bu jian le, ni bang wo zhao zhao

“Менинг ручкам кўринмаяпти, уни топишга менга ёрдам бериб юборинг”;

Бунда феълнинг асосий вазифаси юмшатиш оҳангини беришдан иборат. Юқорида келтирилган мисолларда агар феъллар такрорланмаса, қўпол оҳанг вужудга келиши, шунингдек, буйруқ маъноси англашилиши мумкин;

3) агар редупликатив феълдан кейин 快 *kuai* “тез” маъносида келадиган 就 *jiu* “дарров” қўйилса, бунда ҳаракатнинг қисқа эканлиги тушунилади:

你别怕, 我看看就给你, 不要你的

Ni bie pa, wo kankan jiu gei ni, bu yao ni de

“Сен кўрқма, мен қараб кўраман ва сенга қайтариб бераман, менга сенинг нарсанг керак эмас”;

你等我一下, 我去去就回来 [4,102]

Ni deng wo yixia, wo ququ jiu hui lai

“Мени бир оз кутиб тургин, мен шундоқ бораман ва тез қайтиб келаман”;

4) мураккаб гапларда тахмин мавжуд бўлса, бу ҳолда, одатда, содда феълни қўллаб бўлмайди. Бунда феъл албатта такрорланиб келиши керак; феълдан кейин 一下 *yixia* қўлланилиши мумкин:

补一补 (一下) 还可以戴几年

Bu yi bu (yixia) hai keyi dai ji nian

“Ямоқ солгандан сўнг яна бир неча йил кийиш мумкин”;

想一想 (一下) 这件事关系多么重大啊! [7,97]

Xiang yi xiang (yixia) zhe jian shi guanxi duome zhongda a

“Ўйлаб кўринг-а, бу ишнинг аҳамияти қанчалик катта!”;

Таққосланиш мавжуд бўлса, феъл такрор ҳолда қўлланмаслиги ҳам мумкин:

这双鞋, 补还能穿, 不补就穿不了 [5,112]

Zhe shuang xie, bu hai neng chuan, bu bu jiu chuan bu liao

“Бу бир жуфт туфлини тузатиб кийса бўлади, тузатмасдан кийишнинг иложи йўқ”;

5) ҳаракатнинг давомийлигини кўрсатмайдиган феъл агар уриниш, қилиб кўриш маъносида ишлатилмаса, одатда, такрор қўлланилмайди:

他把球递递给我 *Ta ba qiu didi gei wo* (феъл редупликатив шаклда қўлланилиши мумкин эмас).

ТИЛШУНОСЛИК

Тўғри вариант куйидагича бўлади:

他把球递给我

Ta ba qiu di gei wo

“У тўпни менга узатди”.

你等一会儿，我寄这封信就回来 *Ni deng yihuir, wo jiji zhe feng xin jiu hui lai* (феъл редупликатив шаклда қўлланилиши мумкин эмас).

Тўғри вариант куйидагича бўлади:

你等一会儿，我寄这封信就回来

Ni deng yihuir, wo jizhe feng xin jiu hui lai

“Сен бир оз кутиб тургин, мен бу хатни юбориб тез қайтиб келаман”;

б) редупликатив феъл билдирадиган ҳаракат агар доимий ёки аниқ вақти белгиланмаган бўлса, одатда, миқдорни ифодаламайди, балки кўпинча ‘енгил’, ‘осон’, ‘қулай’, ‘ўз ҳолича’ маъносига эга бўлади; кўп ҳолларда кетма-кет келадиган гапларда қўлланилади:

他退了休以后，平常看看书，下下棋，跟老朋友们聊聊天，倒也不寂寞。

Ta tui le xiu yihou, pingchang kankan shu, xiaxia qi, gen laopengyoumen liaoliao tian, dao ye bu jimo.

“У пенсияга чиққач, одатда, китоб ўқийди, шахмат ўйнайди, дўстлар билан суҳбатлашади, ҳеч ҳам зерикмайди”;

会议已经开完了，这几天他看看电影，买买动西，收拾收拾行李，就等着回家了 [7,102]

Huiyi yijing kaiwan le, zhe ji tian ta kankan dianying, maimai dongxi, shoushi shoushi xingli, jiu deng zhe hui jia le

“Мажлис тугаб бўлди, у бир неча кундан бери кино кўради, нарсалар харид қилади, сумкасини тартибга солади, уйга кетиш кунини кутади”;

打打球，跑跑步，就不会失眠了

Dadaqiu, paopaobu, jiu bu hui shiyan le

“Тўп ўйнасанг, сайр этсанг, уйқусизликка дучор бўлмайсан”.

Юқоридаги иккита гапда редупликатив феъллар қисқа вақтни, оз миқдорни ифодаламайди, шунинг учун улар олдидан узоқ вақтни, узоқ муддатни ифодаловчи сўзлар қўлланилиши мумкин:

你要好好回记回记那天的情况

Ni yao haohao huiji huiji na tian de qingkuang

“Сен ўша кунги воқеани яхшилаб эсла”;

为了全面了解情况，他要多多听听，多多看看，深入调查调查 [4, 102]

Wei le quanmian liaojie qingkuang, ta yao duoduo tingting, duoduo kankan, shenru diaocha diaocha

“У бу вазиятни бутунлай тушуниб олиши учун кўпроқ эшитиши, кузатиши ва чуқур изланиши зарур”;

经常打打球，游游泳，对身体有好处 [4,102]

Jingchang dadaqiu, youyouyong, dui shenti you haochu

“Доимий равишда тўп ўйнаш ва сузиш соғлиқ учун фойдалидир”.

Редупликатив феълнинг қўлланилиш хусусиятларидан яна куйидагиларга ҳам алоҳида эътибор бериш зарур:

1) ҳозирги пайтда содир бўлаётган ҳаракатни ифодаловчи феъл такрор қўлланила олмайди, масалан, куйидагича айтиб бўлмайди:

我正在看看书 *Wo zhengzai kankan shu*

“Мен ҳозир китоб ўқияпман” ёки 他们听一听音乐了 *Tamen tingyiting yinyule ne* “Улар мусиқа тинглашяпти”.

Феълдан кейин 过 *guo*, 着 *zhe* қўлланилганда ҳам феъл такрор қўлланилмайди [3,164];

2) редупликатив феъл билдирадиган ҳаракат ёки ҳаракат вақти, тезлиги (частотаси) хатти-ҳаракат ифодаси билан алоқадор; агар ҳаракат ёки ҳаракат вақти, тезлиги (частотаси) хатти-ҳаракат йўналиши (ифодаси) билан алоқадор бўлмаса, қисқа вақт ёки оз муддат кўрсатилиши лозим бўлса, феълнинг такрор қўлланилиши мумкин эмас, бу ҳолда фақат феълнинг қўшимча элементи (бириқма)дан фойдаланиш мумкин:

~ 刚才他睡了一会儿 – 刚才他睡了睡×

Gangcai ta shuile yihuir – Gangcai ta shui le shui

“У ҳозиргина мизғиб (бир оз ухлаб) олди”;

~ 她哭了一会儿。 – 她哭了哭×

Ta ku le yihuir – Ta ku le ku

“У бир оз йиғлаб олди”;

~ 他病了一阵 – 他病了病×

Ta bing le yi zhen – Ta bing le bing

“У бир оз касал бўлиб қолди”.

Лекин куйидагиларда феълнинг редупликатив шакли қўлланила олади:

这几天你睡得也太少了，去睡睡吧

Zheji tian ni shui de tai shao le, qu shuishui ba

“Бир неча кундан бери сен жуда кам ухладинг, бир оз ухлаб олгин”;

你太难过了，哭哭心里会明快些 [4,104]

Ni tai nanguo le, kuku xin li hui mingkuai xie

“Сен жуда қийналиб кетдинг, йиғлаб ол, бир оз энгил тортасан”.

Редупликатив феъл гапда асосан кесим бўлиб келади, лекин баъзи ҳолларда эга вазифасида ҳам келиши мумкин:

看看是必要的

Kankan shi biyao de

“Кузатмоқлик зарурдир”.

Редупликатив феъл ҳол ёки ёрдамчи элемент вазифасини бажармайди.

Редупликатив феълнинг инкор усули қуйидагиларда учрайди.

а) соф ва риторик сўроқ гапларда [7,103]:

你也不想想，他的话还有真的？

Ni ye bu xiangxiang, ta de hua hai you zhende?'

“Сен ҳали ўйлаб ҳам бўлмадинг, унинг сўзи тўғримики ё йўқми?”;

б) тахмин маъносини ифодаловчи гапларда:

这个问题不调查调查就不清楚 [4, 104]

Zhe ge wenti bu diaocha diaocha jiu bu qingchu

“Ушбу масала синчиклаб текшириб чиқилмаса аниқ бўлмайди”;

Редупликатив феълнинг маъно-моҳияти ва қўлланилиш хусусиятлари жуда мураккаб, шунинг учун қисқа вақт, оз муддатни ифодаловчи *yixia* “бир оз” ёки *yihuir* “бир оз муддат” ёрдамчи сўзлар орқали гапни ўз ҳолича ўзгартириш мумкин эмас.

Адабиётлар:

1. 王赴阮. 动词重叠研究方法, 2003年.
2. 李稿. 现代汉语动词研究. – 北京, 2004年.
3. 冒秀尊. 动词重叠的语法性质语法意义. 语文研究, 1998年, 第2期.
4. 故播刘. 实用现代汉语语法. – 北京, 2003年.
5. 黄菠菜. 实用现代汉语语法. – 北京, 1989年.
6. 芝警功. 动词重叠的语法意义. 中国语文 2006年第2期.
7. 陈前软. 动词重叠的情况特征及气体的地位, 语言教学与研究. - 北京, 2001年.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор).